

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ:
ҲУҚУҚИЙ
ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

«ФАРФОНА» нашриёти,
2012 йил



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қутлур 20 йиллигига бағишланади

УДК 342 (575.1)

КБК 67.400.5

А 57

Референдум

I даражали адлия маслаҳатчиси
А. Т. Мадалимов умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррир:

У. Жабборов

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ: ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА / Наҳрга
тайёрловчилар: И. Нишонов, М. Эркабоева, Ш. Каримова. – Фарғона: «Фарғона»
нашриёти, 2012 й. – 72 б.

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқий-демократик давлат
барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад қилиб
қўйилди. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан бири қонун
устуворлигини таъминлаш ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу борада
адлия идораларининг ҳам алоҳида ўрни бор.*


*Ушбу китобда Фарғона вилоят адлия бошқармаси фаолияти
мисолида тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида
сўз боради.*

ISBN 978-9943-349-62-9

*Ю 40597
0*

УДК 342 (575.1)

КБК 67.400.5



© «ФАРҒОНА»–2012 й.



АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид тузумдан воз кечиб, миллий давлатчилик барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш йўлини танлади. Шу даврдан бошлаб давлат ва жамият қурилиши соҳасида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш асосий вазифага айланди. Бугунги кунда ҳаётга тадбиқ этилаётган ислохотларнинг бошланғич нуқтаси ҳам айнан миллий мустақиллигимиз ва табиийки, миллий қонунчилигимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда, миллий ҳуқуқ тизимининг асосларини белгиловчи, мамлакат қонунчилигида олий мақомга эга бўлган ҳужжат – Конституциямизда эътироф этилган ва албатта, ҳаётимиз дастуриламалига айланиб улгурган таъмоилларга таяниш алоҳида аҳамият касб этмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барчамиз учун энг олий ҳуқуқий шаклда, халқ иродаси билан қабул қилинган буюк келажакимиз кафолатидир.

Агар мустақил ривожланиш йилларига бирма-бир назар солсак, юқоридаги фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигига амин бўламиз. Зеро, жаҳон ҳамжамиятида жонажон Ўзбекистонимиз ўзига хос ўринга эга экани, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланаётгани, халқимизнинг тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечираётгани ва

энг асосийси, мамлакатимизда изчиллик билан ҳуқуқий ислохотлар олиб борилаётганлиги фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Эришилаётган барча ютуқларда, шубҳасиз, мамлакатимиз адлия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс. Адлия органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган давлат ва жамият қурилиши соҳасида норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти борасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга оширишдир.

Таъкидлаш ўринлики, даставвал 1992 йил 8 январда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-314-сонли Фармони қабул қилиниб, унга биноан мустақил Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига асос солинди. Адлия органлари фаолиятидаги яна бир муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 370-сонли қарорининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қарорнинг 4-бандига мувофиқ, ҳудудий адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил экани, шунингдек, бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунishi белгиланди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда фаолият олиб бора бошлади. 2011

йилга келиб, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори ўз кучини йўқотди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзида янги нормаларни акс эттирган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сонли Қарори билан Адлия вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Энди, адлия органлари олдига энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланишини таъминлаш, конституциявий нормаларга риоя этилишини назорат қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини олиб бориш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Шу маънода айтганда, «Адолат – қонун устуворлигида» деган шиорни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимизни замон талаби даражасига кўтариш йўлида янги ва амалий қадамлар қўйиш тақозо этилмоқда.

Ушбу рисола Конституциямизнинг ҳамда республика адлия тизимининг 20 йиллик қутлуғ санасига бағишланган бўлиб, унда адлия органлари, хусусан, Фарғона вилоят адлия бошқармасининг мустақиллик даврида жамият ҳаётида тутган ўрни атрофлича ёритилган. Рисолада вилоят адлия бошқармасининг қисқача тарихи, ривожланиш даври ва бугунги кундаги фаолияти тўғрисида маълумотлар ҳам ўрин олган.

А. Т. МАДАЛИМОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.



ҲУҚУҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР МАЖМУАСИ

Хар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ XI сессиясида (1992 йил 8 декабрь) ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Конституциямиз 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборатдир. У иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий ҳаётда чуқур ислохотлар ўтказиш учун пухта ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ушбу Қомус мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ҳисобланади.

Бироқ ўз Конституциямизга осонликча эга бўлмадик. Бунга қадар халқимиз тарихнинг оғир ва синовли кунларини бошдан кечиргани сир эмас.

Ўзбек халқининг кўп авлоди Мустақилликдек улуғ неъматни орзу қилган бўлса, ота-боболаримиз бу йўлда курашиб, ҳаётларини қурбон қилишгани ҳам тарихдан маъ-

лум. Бугунги кунда Истиклол реал ҳақиқатга айланди.

Мустақиллик йилларида биз Конституциянинг аҳамиятини аниқ тасаввур қилдик ва аввало, нимадан воз кечиб, нималарни қўлга киритганимизни англаб етдик. Энг муҳими, Конституция туфайли Ўзбекистон Республикаси янги демократик давлат сифатида дунё сиёсий харитасидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Конституцияси жаҳондаги йирик сиёсатшунос-экспертлар томонидан халқаро меъёрларга тўла жавоб берадиган мукамал ҳужжат сифатида тан олинган.

Халқ манфаатларини кафолатловчи Бош Қомусимиз бошқа янги мустақил давлатлар конституцияларидан тубдан фарқ қилиб, ўтиш давригагина мўлжалланмасдан, балки давлат ва жамият фаолиятининг барча йўналишларини белгилаб берувчи дастурий ҳужжат сифатида ҳам юксак эътиборга сазовордир.

Конституциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда давлатнинг кифоаси, жамиятнинг хусусияти яққол ўзифодасини топган. Бош Қомусимизда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизими демократик тамойилларга асослангани, умуминсоний кадриятларнинг улуғланаётгани, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғлик кафолатлангани ҳамда ҳимоя қилинаётгани кўриниб туради.

Ҳар бир фуқаро ўзлигини, кадр-қимматини тўла англаши, айни вақтда бошқаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаши юксак маънавиятлилик белгисидир. Бунга эришиш учун ҳуқуқий маданият даражаси жуда муҳим ўрин тутади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият Конституция асосида шакллантирилади ва ўстириб борилади. Конститу-

ция ҳуқуқий саводхонликнинг алифбоси, десак ҳам бўлади. Уни ўрганишни йўлга қўйиш учун ҳар бир фуқаронинг бу улуғ китобга эга бўлишини, ҳар бир хонадонда унинг кадрланишини таъминлаш зарурдир.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва мураккаб ишларни тўла, сифатли ва изчиллик билан амалга оширишимиз, бинобарин, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: **«Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор».**



МАҚСАДИМИЗ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган эди. Мустақил ривожланиш йилларида юртимиз улкан ютуқларни қўлга киритди. Бунинг натижасида мамлакатимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалмоқда.

Барқарор ривожланиб борадиган иқтисодиётга асосланган, очик демократик-ҳуқуқий давлат қуриш мақсадини ўз олдига қўйган мамлакатимизда, аввало, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ-эркинликлари олий кадрият даражасига кўтарилди. Бу борадаги ишлар кейинги йилларда янада фаоллашиб борди. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлардан, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга молик тарихий воқеалардан бири – бу адлия органларининг Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилиши бўлди.

Адлия органларининг мамлакат ҳаётидаги роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги ПФ-314-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига айлантирилди. Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги 523-сонли

қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳақида», «Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш республика жамғармаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси адлия идоралари ва давлат нотариати ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида» Низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 370-сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602 Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиланди. Улар қуйидагилардан иборат:

- қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- инсоннинг Конституция ҳамда қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган

ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- судларни моддий-техникавий ва молиявий жихатдан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

- нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

- тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- юридик шахслар, шу жумладан нодавлат ноижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

- тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.



ТАРИХГА БИР НАЗАР

«Фарғона» сўзи ўрта асрларда Сўғд ёзуви билан «Парғана», «Прағана» шаклида ёзилганлиги фараз қилинади. Бу хинд-санскрит тилида «кичик вилоят», «атрофи берк тоғли жой» деган маъноларни англатган. Эрамиздан аввалги II асрларда Фарғона «Довон» деб аталган бўлса, ўрта асрларда «Бохан», «Боханна» номлари билан тилга олинган.

Жой номлари каби бошқа атамалар ҳам ўз келиб чиқиш тарихига, ўзак маъносига эга. Жумладан, «адлия» сўзи араб тилидан таржима қилинганда – адолат, одиллик, тўғрилик, ҳаққонийлик маъноларини билдиради.

Марказий Осиё минтақасида адлия идораларининг келиб чиқиш тарихи, туб илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади. XII асрда, Ўрта Осиёда ислом дини тўла хукмронлик қилган даврда, халқнинг турмуши ислом қонунчилигининг асоси – шариатга мослаштирилди. Хусусан, Шарқ Уйғониш даврида она-Ватанимиз шундай комусий олимларга бешик бўлдики, уларнинг жаҳон маданияти ва илм-



Қозилар йиғилиши (XIX аср)

фан тараққийетиға қўшган хиссаси ханузгача хайрат билан эътироф этилади. Буюк аллома Бурхониддин Марғинонийнинг «Хидоя» асари фикхшуносликда энг нодир намуна саналади. Чунки ўша даврларда ҳар бир соҳада фикх (шариат қоидалари) қўлланилар эди.



Ариза ўқиб эшиттирувчилар

Шариатда суд, прокуратура, адвокатура, нотариат, арбитраж вазифаларини қозилик бажарган. «Қози» атамаси «ажрим қилувчи», «хукмни белгиловчи» маъноларини англатади. Қозилар қуйидаги даражага бўлинган:

- **Қозикалон** – мамлакатнинг ва пойтахтнинг бош қозиси;

- **Қози-ул қуззот** – қозилар устидан назорат қилувчи қози;

- **Қози раис** – шариат қоидаларига риоя қилинишини назорат этувчи қози;

- **Қози аскар** – ҳарбий ишларни кўрувчи қози;

- **Қози** – шаҳарлар ва туманларда фаолият кўрсатиб, қозихона ишларини юритувчи мансабдор.

Юқорида баён этилганидек, қозининг фаолият доираси жуда кенг бўлган. У судья сифатида турли жиноятларни кўриб чиқиб, шариат асосида ҳукм чиқариш, прокурор сифатида шариат қонунларини ҳимоя қилиш ҳамда тергов ишларини олиб бориш, арбитр сифатида турли мулкӣ даъво ва низоларни кўриб чиқиш, нотариус сифатида эса турли битим, шартнома, васиятнома ҳамда тилхатларни тасдиқлаб, муҳрлаш вазифаларини бажарган.

Козихонада тасдиқланган қуйидаги ҳужжатлар тарихда «Қозихона ҳужжатлари» деб аталган:

- **Вақфнома** – савоб учун масжид, мадраса, мазор, мактаб ва хайрия муассасаларига эҳсон қилинган кўчмас мулкка оид ҳужжат.

- **Вақфномаи зайн** – безатилган вақфнома.

- **Ҳукми қози** – қозиларнинг шариат қоидалари асосида чиқарилган ҳукм ва қарорлари.

- **Баённома** – ёзма ахборот, ҳисобот.

- **Васиқа** – мулкни тасаруф этиш (мерос қолдириш, ҳадя этиш, сотиш) ҳақидаги ҳужжат.

- **Ривоят** – муфтийларнинг муайян бир масала бўйича олдин бўлиб ўтган айнан шундай иш асосида чиқарган фатволари.

- **Фатво** – муфтийлар томонидан муайян бир масала бўйича шариат қоидалари асосида чиқарилган қарор, ҳукм.

- **Тилхат** – бирор мажбуриятни зиммага олишга оид ёзма ҳужжат.

- **Хатти иқрор** – бирор ҳодиса ёки фактга иқрор



XIX асрга оид нотариал ҳужжатлардан намуналар

бўлганлик хақида ёзма хужжат.

- **Гувоҳнома** – бирор ходиса, воқеа бўйича шариат қозихонасида ёзма гувоҳлик бериш.

- **Ваколат** – бирор кишининг ўз номидан бошқа бир кишига муайян бир масалада иш олиб бориш учун берган ишонч хужжати.

- **Байи-бот** – кўчмас мулкларни сотиб олиш ёки сотиш ҳамда мазкур олди-сотди гувоҳлар иштирокида қозихонада расмийлаштириладиган хужжат.

Ўтмишда ФҲДЁ органига ўхшаш фуқаролик ҳолатларини қайд этиш муассасалари мавжуд бўлмаган. Никоҳлаш жараёни маҳалла масжиди имоми ёки мадраса, устоз кўрган, диний фаолият учун фотиҳа олган шахс томонидан амалга оширилган. Никоҳнинг шартлари муқаддас китобларда, «Ҳидоя» ва «Мухтасар ул виқоя» каби фикҳ китобларида белгилаб берилган.

Ўзбекистонда суд, нотариат ишларида шариат қоидаларига амал қилиш XX асрнинг йигирманчи йиллари ўрталаригача давом этган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги дастлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги шаклида 1924 йил 26 ноябрда Революцион комитетнинг қарори билан Туркистон автоном Республикаси Адлия халқ комис-



*Қўқон хонлиги даврида
фойдаланилган нотариал
муҳрлар*

сарлиги негизда ташкил этилган. Унинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон таркибига кирган Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликларининг ҳудудида адлия органларининг фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришдан иборат эди.

1925 йил 6 май куни эса Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати «Адлия халқ комиссарлиги ҳақида»ги Низомни тасдиқлаган.

Мазкур Низомнинг 1-бандига мувофиқ Адлия халқ комиссарлигига барча суд масалалари, прокуратура ва тергов органлари, нотариат, суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш ва йўналтириш, суд ходимларини лавозимга тасдиқлаш, ер комиссиялари ва суд ваколатига эга бўлган бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, ҳимоячилар ҳайъатларининг фаолиятини кузатиш, алоҳида юридик хизматни ташкил этиш, қонунчилик юзасидан Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлиги Кенгашига киритиладиган барча таклифларни бирламчи кўриб чиқиш, қонунчиликка амал қилишни назорат қилиш,



XX асрга доир
нотариал ҳужжатлар

амалдаги қонунларни шарҳлаш, республика қонунлари ва ҳукумат қарорларининг тўпламларини нашр этиш ва бошқа вазифалар юклатилган.

Адлия халқ комиссарлиги учта асосий: суд тузилиши ва назорати, прокуратура ҳамда қонунчиликка таклифлар киритиш бўлимларидан иборат бўлиб, Адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида Республика давлат прокурори ҳам ҳисобланган.

XX аср 30-йилларининг бошларида Адлия халқ комиссарлиги прокуратура, Олий суд, ташкилий-инструкторлик бўлими, меҳнат-тузатиш муассасалари бошқармаси ва умумий бўлимлардан иборат бўлган. Республика прокурори, Олий суд раиси меҳнат-тузатиш муассасалари бошқармаси бошлиғи Адлия халқ комиссарининг ўринбосари ҳисобланган.

1936 йилнинг 8 декабрь куни Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлиги Кенгаши томонидан «Адлия халқ комиссарлиги тўғрисида»ги Низом тасдиқланган ва барча тергов органлари Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилган. Адлия халқ комиссарлиги зиммасига судларнинг фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш юклатилган.

1959 йилнинг 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати вилоят ва халқ судлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида Адлия вазирлигини тугатди.



Фарғона вилоят халқ комиссарлиги
Юстиция бошқармаси биноси

2012/201	Alisher Navoiy
A 12337	nomidagi
	O'zbekiston MK

Кейинроқ, 1970 йил 1 октябрда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини қайта ташкил қилди. Республика Вазирлар Кенгашининг 1972 йил 27 сентябрдаги қарори билан «Адлия вазирлиги тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Вилоят адлия органлари 1920 йилларда Халқ комиссарлиги Кенгаши қошидаги бўлим сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Вилоят давлат архивида сақланаётган хужжатлар, идоралараро, халқ судлари билан ўзаро ёзишмалар, шунингдек, кадрлар масаласига оид юстиция бўлимининг мудирини Норвейшис томонидан берилган журналлардан кўчирмалар шундан далолат беради.

Фарғона вилояти Юстиция бошқармаси Ўзбекистон Халқ комиссарлиги Кенгашининг 1939 йил 16 июндаги «Вилоят Меҳнаткаш халқ депутатлари Кенгашлари қошида Ўзбекистон Халқ комиссарлиги Юстиция бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 953-сонли қарорига асосан ташкил этилиб, мазкур Низомда Фарғона вилоят халқ комиссарлиги Юстиция бошқармасининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Вилоятдаги халқ судлари ҳамда сайланган халқ судьялари, халқ судларининг раислари ана шу низом асосида Фарғона вилоят халқ комиссарлиги Юстиция бошқармасининг таркибига киритилган.

Муддати тугаган халқ суди судьяларини сайлаш, халқ судьялари устидан назорат қилиш, шунингдек, суд ишларини, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, суд қарорлари юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш, юқори турувчи идораларга судлар қарорлари устидан келиб тушган аризалар, киритилган протестлар юзасидан ишларни ташкиллаштириш (томонларга хабарномалар юбориш, гувоҳлар, экспертларни чақиртириш ва бошқалар),

қонун ҳужжатларига асосан халқ судлари раисларининг мансаб йўриқномасидаги вазифаларини бажариши, суд ҳужжатларини ҳисобга олиш, уларни сақлаш, ашёвий далилларни сақлаш, сўровларга асосан ҳар бир ҳаракат юзасидан халқ комиссариати юстицияси ёки халқ комиссариати юстициясининг рўхсатига асосан кўриб чиқиш ва «Автоном республикалар халқ судьяларининг сайловолди ҳисоботи ва судларни ташкиллаштириш ҳақида»ги Қонуннинг 29-моддаси ижросини назорат қилиш, адвокатура ва юридик маслаҳатхоналар, нотариал идоралар бошқаруви ва уларнинг фаолияти устидан умумий раҳбарликни олиб бориш, суд ижрочиларининг фаолиятида суд қарорларининг ижроси юзасидан тафтиш ўтказиш, юстиция ходимларининг малакасини оширишда юридик курслар ва ҳуқуқ мактабларига раҳбарлик қилиш, судлар статистикасини ташкиллаштириш ва юритиб бориш, кадрлар ҳисобини юритиш, кадрларни танлаш ва тайинлаш, жойлардаги юстиция бўлимларида штат жадваллари ва сметалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Халқ комиссарлиги Юстиция бошқармасига киритиш, жойлардаги юстиция бўлимларида пул маблағларининг тўғри сарфланиши юзасидан назорат олиб бориш кабилар вилоят халқ комиссарлиги Юстиция бошқармасининг вазифалари саналган.

Ўзбекистон халқ Комиссарлиги Юстиция бошқармаси томонидан шаҳар ишчи депутатлари ҳузурида ташкилий-тафтиш, кадрларни тайёрлаш ва ҳисобини юритиш, статистика сектори, котибият, молия-хўжалик бўлимлари ташкил этилган.

Нотариал идоралар фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, вилоятда 1946 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 та нотариал идора мавжуд бўлган. Унда 4 нафар ходим штатдан ташқари, 8 нафар ходим штат бўйича фаолият юри-

тиши белгиланган.

Аммо амалда 7 нафар ходим ишлаган. Фарғона, Қўқон ва Марғилон нотариал идоралари тўлиқ шакллантирилган. Фақат Кагановический райони (хозирги Қўштепа тумани) да нотариус штати вакант турган.



Марғилон шаҳар Округ суди биноси

Дастлаб нотариал идора ходимларининг ҳаммаси ҳам юридик маълумотга эга бўлмаган. Фарғона шаҳар нотариуси Папе сиртдан юридик мактаб маълумотини олган бўлса, Қўқон шаҳар нотариуси Юсупов сиртдан юридик институтида ўқиган.

Марғилон шаҳар нотариуси Емец 1903 йилдан, Қўқон шаҳар нотариуси Бенцман 1923 йилдан, Фарғона шаҳар катта нотариуси Папе эса 1939 йилдан бошлаб нотариал соҳада ишлаганлар. 1947 йилнинг 1 январига келиб Кагановический райони (хозирги Қўштепа тумани)даги нотариус штати тўлдирилган.

Ўша даврда нотариуслар қурилишга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш тўғрисидаги шартномани гувоҳлантириш, бинони тасарруф этиш ва қурилиш ҳуқуқи тўғрисидаги битимни гувоҳлантириш, бошқа турдаги шартномаларни гувоҳлантириш, васиятномаларни гувоҳлантириш, ишончномаларни тасдиқлаш, ижро ёзувлари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, меросни қўриқлаш, имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, нусханинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, таржималарнинг тўғрилигини шаҳодатлаш,

депозитга қабул қилиш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш каби нотариал ҳаракатларни амалга оширган.

1970 йилнинг 4 декабрида эса бошқарма Фарғона вилоят ижроия қўмитасининг тегишли қарорига асосан ишчи депутатлари қўмитасида область Юстиция бошқармаси сифатида ташкил этилган.

Унинг таркибида девонхона, бухгалтерия, кадрлар бўлими, ҳуқуқий пропаганда бўлими, жамоат ташкилотлари, нотариат, адвокатура, ЗАГСлар, халқ судлари фаолияти бўлимлари ҳамда ЗАГС архиви мавжуд бўлган ва 25 нафар ходим меҳнат қилган.

Ҳозирда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг ФХДЁ архивида 1878 йилдан черковларда қайд этилган туғилганлик, никоҳ, ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувлари, яъни китоблар сақланиб келинмоқда. Бу эса ФХДЁ органлари фаолияти ўша пайдан бошланганини англатади.

Ўтган асрнинг 30-йилларида фуқаролик ҳолати актлари шаҳар кенгаши қошида бўлим сифатида фаолият юритадиган фуқаролик ҳолати актлари ёзувлари бўлимида, 1934 йилдан Халқ хўжалик ҳисоби инспектурасида, 40-йилларга келиб эса Ички ишлар қошидаги гражданлик аҳволи актлари бўлимида, 1945 йилдан бошлаб ички ишлар халқ комиссариатининг гражданлик аҳволи актлари бўлимида, 50-йилларда давлат хавфсизлиги гражданлик аҳволи актлари бўлимида, 1960-1970 йилларда милиция бошқармалари ҳузурида, 1980-1990 йилларда эса Меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитети ҳузурида фуқаролик ҳолати актлар ёзиш бўлими томонидан қайд этиб келинган.



Маълумки, ҳар бир жамоанинг салоҳияти, қўлга киритаётган муваффақиятларида раҳбарнинг салмоқли ўрни бор. Вилоят адлия бошқармасига 1938-1940 йилларда Усенко, 1941-1943 йилларда Комилов, 1943-1947 йилларда Икромов, 1947-1950 йилларда Сами Азимов, 1951-1955 йилларда Музаффар Маҳмудов, 1955 йилда Икром Джалилов, 1973-1977 йилларда такроран Музаффар Маҳмудов, 1977-1985 йилларда Карим Толипов, 1986-1995 йилларда Ҳамза Ахунджанов, 1995-2003 йилларда Тохиржон Сўпиев, 2004-2005 йилларда Абдураҳим Турғунов, 2006-2008 йилларда Искандархон Атахўжаев, 2008-2009 йилларда Шокир Саидовлар раҳбарлик қилганлар.

2009 йилнинг март ойидан буён вилоят адлия бошқармасига Абдубаноб Мадалимов раҳбарлик қилиб келмоқда.

МУЗЕЙ ТААССУРОТЛАРИ

2009 йилнинг Наврўз байрами арафасида вилоят адлия бошқармаси ва давлат нотариал идораси ходимлари хайрли ишга қўл урдилар. Нотариал идораси ҳамда нота-риат тарихидан дарак берувчи мўъжазгина музей ташкил қилинди.

Мазкур музей ўз йўналиши жиҳатидан мамлакати-мизда ягона саналади. Музейдан Чор Россияси даврида



қозилар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар намуналари, қозиларнинг муҳр ва тамғалари, 1930-1950 йилларда ишлатилган «Зенитъ», «Olimpia» русумли ёзув машинкалари, реестр китоблари, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтдан жўнатилган ишончномалар намуналари, нотариал идорада ишлаган катта нотариус ва нотариусларнинг шахсий ҳужжатлари, идора тарихидан сўзловчи фотосуратлар, илгари фойдаланилган электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа жиҳозлар, нотариат қонунчилиги билан боғлиқ ҳуқуқий адабиётлар ҳамда фахрий меҳмонлар китоби ўрин олган.

Чиройли хуснихат нотариуснинг салоҳиятини янада оширади. Бинобарин, аввалги нотариал ҳаракатлар хоҳ эски ўзбек ёзувида, хоҳ лотин ёки қрилл ёзувида амалга оширилган бўлсин, ҳужжатлар чиройли хуснихат соҳиби томонидан ёзилган.



Тарихга назар ташласак, Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси 1919 йилда ташкил топганини биламиз. Унинг биринчи нотариуси Герман Ардамонович Ласточкин бўлиб, у киши 1939 йилгача ишлаган.

Нотариал идора тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Ҳозирги янги, барча қулайликларга эга бўлган бино идоранинг бешинчи биноси саналади.

Яратилган музей – тарих кўзгуси. У қаерда ва қандай йўналишда ташкил этилган бўлмасин, албатта, инсонга маънавий озуқа беради.





ИСТИҚЛОЛДАН ЯРАЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақирик навбатдан ташқари олтинчи сессиясида мухтарам Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинди ва 1 сентябрь – Мустақиллик куни сифатида Ўзбек давлатчилиги тарихининг янги саҳифаларини бошлаб берди. Шу муаззам кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳукукий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлига ўтди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошланган туб ўзгариш ва ислохотлардан кўзланган бош мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлашдан иборатдир.

Истиқлолнинг илк йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда сиёсий-ҳукукий аҳамиятга молик тарихий воқеалардан бири – бу адлия органларининг Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилиши бўлди. Яъни адлия органларининг мамлакат ҳаётидаги роли ва масъулиятини ошириш мақсадида 1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-314-сонли Фармони қабул қилиниб, унга биноан мустақил Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига асос солинди. Мазкур Фармон асосида 1992 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-

ги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги 523-сонли қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ эса «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳақида», «Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш республика жамғармаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси адлия идоралари ва давлат нотариати ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низомлар тасдиқланди.

2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 370-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур қарор асосида вилоят адлия бошқармаси таркибида тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш, ҳуқуқий маърифат тарғиботи, қонун ҳужжатларини туркумлаш, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бўлимлари ҳамда кадрлар бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва норма ижодкорлиги фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги ролини кучайтириш, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясининг қоидаларини изчил амалга оширишни кўзлаб, 2011 йил 17 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1555-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида Адлия вазирлигининг мавжуд вазифалари қаторига қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши устидан самарали назорат қилишни, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан прокуратура органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш; улар томонидан суистеъмолликларга, қонунбузарликларга, қонун ҳужжатлари талабларини ижро қилмаслик ҳолатларига, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, нотўғри талқин қилинишига, қонунни қўллашда субъективликка, тор идоравий, танлов асосида ёндашишга йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Бу вазифаларни бажариш учун барча вилоятлар қатори Фарғона вилоят адлия бошқармаси негизида ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сонли Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолияти янада такомиллаштирилди. Яъни қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, инсоннинг Конституция ҳамда қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш; нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; юридик шахслар, шу жумладан нодавлат ноижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда

қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш, тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш; замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби омиллар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди.

Шу ўринда айрим фактларга ҳам тўхталиб ўтсак.

2011 йил – «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили»да тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий базани чуқур ва танқидий нуқтаи назардан комплекс таҳлил қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ-манфаатларини тўлиқ таъминлаш ва уларга эркинлик яратилишини янада ривожлантириш мақсадида, қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бугунги кун талабига жавоб бермайдиган нормаларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида 124 та қонун ҳужжати бўйича таклифлар тайёрланиб, Адлия вазирлигига тақдим этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган 133 та қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. «Ишонч телефони» орқали қабул қилинган 894 та мурожаатларнинг 371 таси ижобий қаноатлантирилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўтказилган тадбирлар давомида 67 мингдан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан жойларга 2884 та тақдимнома,

4466 та огоҳнома ва 302 та кўрсатмалар киритилди. 290 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 3239 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 236 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. 72 та ноқонуний ҳужжатлар ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. Судларга киритилган 17267 та даъво аризаларига асосан 12 млрд. 61 млн. сўм маблағнинг ўз эгаларига қайтарилиши белгиланди. Фуқароларнинг 2302 та мурожаатлари кўриб чиқилиб, 1120 таси қаноатлантирилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 17725 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан 2007-2011 йиллар давомида 948747 та нотариал ҳаракат бажарилди. Шаҳар ва туман ФХДЁ бўлимлари томонидан 620143 та фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилди.



Фарғона вилоят адлия бошқармасининг янги биноси



БЎЛИМЛАР ҲАҚИДА

Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбаси – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини уларнинг



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан таҳлил

қилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказади; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олади ва қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ишларини олиб боради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни доимий равишда таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари

ва эркинликларини таъминлашга оид талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.



Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлими – давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича фаолиятини тизимли мониторинг қилишни амалга оширади.



Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бўлими – нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар-



нинг давлат ва ҳисоб рўйхатидан ўтказади ва уларнинг давлат реестрини юритади; но-давлат нотижорат ташкилотлари томонидан конун ҳужжатларига, устав фаолиятига, таъ-

сис ҳужжатларига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилади.

Тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими – жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва конунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади; Давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича ишларини мувофиқлаштиради.



Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бўлими – нотариуслар томонидан касб мажбуриятларининг, шу жумладан нотариал иш юритув қоидаларининг бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади, уларнинг ишини таҳлил қилади ва умумлаштиради; Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ва адвокатлик тузилмаларининг фаолиятида кўмаклашади, адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик тузилмаларини (адвокатлик бюrolари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик хайъатлари) давлат рўйхатидан ўтказишни,

шунингдек, юридик маслахатхоналарни ҳисобга қўйишни амалга оширади, адвокатларнинг тегишли давлат реестрини юритади; фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишни ташкил қилади, ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уларни назорат қилади.



Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими – шартномалар бўйича муносабатлар бузилган тақдирда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва ҳўжалик судларида даъво кўзғатиш, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида йўл қўйилган зарарни қоплашлари юзасидан бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш, адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳўжалик шартномаларини, шу жумладан контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажариш масалалари юзасидан раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи семинарлар-



ни мунтазам равишда ўтказиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари учун юридик маслахатлар бериш уларнинг асосий вазифаси саналади.

Кадрлар бўлими – кадрлар ишини юритади, бошқарма ва унинг тизимига кирувчи идораларнинг кадрлар захи-



расини яратади, уларни тайёрлашни, стажировкадан ўтишини ташкил этади, танлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашади, уларни қайта тайёрлашни ташкил этади.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ҳамда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими – тадбиркорликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди; тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди; назорат



қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини текширишлар ўтказилишининг қонунийлиги усти-



дан назоратни таъминлайди; тадбиркорлик субъектлари ўртасида текширишларни рўйхатга олиш китобини тарқатилишини таъминлайди ва уни тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлиги бўйича мониторингни амалга оширади; тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ёки бу соҳадаги қонунбузарликлар билан боғлиқ жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади; тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чоратадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни, ломбардларни, солиқ маслахатчилари ташкилотларини, юридик шахс бирлашмаларини ва вилоятда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда



бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказди; юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишда қонунийликка риоя қилинишини таъминлайди; ўзи томонидан рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг давлат реестрини

юритади; молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва ўз устав фондларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради; туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича инспекциялари фаолиятида ушбу соҳада бюрократик тўсиқлар ва ғовларнинг олдини олиш мақсадида қонунийликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими – бошқарма тизимида иш юритишни ташкил этиш, назорат қилиш, уларнинг бу борадаги фаолиятига услубий раҳбарликни амалга ошириш, ижро интизоми талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш, бу йўналишдаги фаолиятни тартибга со-



лишга қаратилган бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш; бошқарма иш режаларини тузиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, умумлаштириш; бошқарма ҳайъатининг мажлислари ва бошқарма раҳбарияти ҳузурида ўтказиладиган тезкор мажлисларнинг ўтказилишини таъминлаш; бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги статистик ҳисоботларни юритиш, умумлаштириш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш; фуқароларни қабул қилиш, фуқаролар мурожаатларининг қонуний кўриб чиқилишини назорат қилиш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари юридик хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тизимини изчил такомиллаштириб боради.

Бухгалтерия ва хўжалик бўлими – бошқармада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва юри-тади; бошқарма ва унинг тизимига кирувчи идоралар биноларини, шу жумладан давлат нотариал идоралари, ФХДЁ органларини капитал қуриш ва таъмирлаш чоралари бўйича тегишли ишларни амалга оширади; бошқарма ва унинг тизимига кирувчи идоралар ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини амалга оширади.





Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгиланган. 2000 йилда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Ушбу қонун қабул қилингунга қадар Адлия вазирлигининг Судларни ташкилий таъминлаш бошқармаси судьялар захирасини шакллантириш, судьялик лавозими-га номзодлар ҳақидаги таклифларни жамлаб бориш, суд кадрлари малакасини ошириш, номзодларни муқобиллик асосида кўриб чиқиш ҳамда судьялик лавозими-га тайинлаш ҳақида такдимномалар киритиш вазифалари ва функцияларини бажарган.

Мазкур қонун кучга киргандан сўнг, давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суд мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди, судьялик лавозими-га номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида такдимномалар киритиш ваколатлари адлия органлари тассаруфидан чиқарилди, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти зиммасига юклатилди.



ҚУЛАЙ МЕҲНАТ ШАРОИТИ – САМАРАЛИ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Адлия бошқармаси 2005 йилнинг октябрь ойида ўзининг алоҳида биносига эга бўлиб, ҳозирги кунда Фарғона шаҳар, Бурҳониддин Марғинович кўчаси, 149-уйда жойлашган. Бино 1973 йилда қуриб ишга туширилган бўлиб, 3 қават, 47 та хонадан иборат. Бинонинг умумий майдони – 2746,52 кв.м. 2006 йилда бошқарманинг ички қисми капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кўрсатмаси билан бошқарма биносининг ташқи томони замон талаблари асосида қайта таъмирланди.

Истиқлол йилларида бошқарма тизимида улкан ижобий ишлар амалга оширилди. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида 1999 йилда Учкўприк туман ФХДЁ бўлими, 2006 йилда Олтиариқ туман ФХДЁ бўлими ҳамда Олтиариқ туман 2-сон давлат нотариал идораси биноси қурилди. Фуркат туман ФХДЁ бўлими ҳамда давлат нотариал идораси, Фарғона туман 1-сон давлат нотариал идораси, Бешариқ туман ФХДЁ бўлими ва Бешариқ туман 1-сон давлат нотариал идораси, 2007 йилда Данғара туман ФХДЁ бўлими ва давлат нотариал идораси, Сўх туман ФХДЁ бўлими бинолари капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

2008 йил 5 майда қурилиб фойдаланишга топширилган ФХДЁ бўлими ҳамда 1-сон давлат нотариал идораси биноси бугун Фарғона шаҳрининг чиройига чирой кўшиб турибди.



Фарғона шаҳар 1-сон ФХДЁ бўлимнинг замонавий биноси



Марғилон шаҳар ФХДЎ бўлими биноси



Ўзбекистон туман ФХДЁ бўлими



Олтиариқ туман ФХДЁ бўлими

2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Риштон туман ФХДЁ бўлими ва Ўзбекистон туман ФХДЁ бўлими ҳамда давлат нотариал идораси бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилгани ҳам эътирофга молик.

* * *

Давлатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Ўзбекистон нотариати иккинчи ҳаётини яшай бошлади. Яъни янгича мулк шакллари тез орада жорий қилиниб, мулкчилик объектлари, ҳуқуқий жиҳатдан малакали тасдиқлашни талаб этувчи битимлар, операциялар сони кескин ортган бир даврда мамлакатимизда нотариал иш янги ҳуқуқий асосларга эга бўлди. 1997 йилда хусусий нотариат институти ташкил қилиниб, шу асосда вилоятда 5 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолият кўрсата бошлади, кейинчалик, 2005 йилга келиб, уларнинг сони 16 нафарга етди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-4216-сонли Фармонига мувофиқ хусусий нотариуслар фаолияти тугатилди.

Мамлакатимизда нотариат фаолияти билан боғлиқ фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти, характери, муаммоларини, нотариал ҳаракатлар субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, соҳага оид ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилувчи маълумотлар ва соҳа қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 2 июнда қабул қилинган 104-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5

майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти-ни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-4216-сонли Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарор билан нотариал округлардаги эҳтиёжлар инобатга олиниб, вилоятда қўшимча 16 та нотариал идора ташкил этилди. Жами нотариал идоралар сони 42 тага ва нотариуслар сони 64 нафарга етказилди. Фаолият юритаётган давлат нотариал идораларининг шароити етарли даражада бўлса-да, ташкил қилинган идораларга бино ва хоналар ажратиш билан бир қаторда барча давлат нотариал идораларининг моддий-техника базаси қайта кўриб чиқилди.

Мазкур Фармон ижроси юзасидан вилоят адлия бошқармаси ҳузурида нотариал архив ташкил этилди. Архивда давлат нотариал идоралари ва фаолияти тугатилган хусусий нотариусларнинг тегишли архив ҳужжатлари сақланади. Архивнинг масъул ходими томонидан юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ҳамда архив ҳужжатларидан нусхалар берилади. Бу эса ўз навбатида фуқароларга архив ҳужжатларини олишда қулайликлар яратади.

Бундан ташқари, давлат нотариал идоралари фаолият кўрсатиб келаётган биноларда амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар бўйича тўловларни қабул қилиш учун ДТ «Халқ банки»нинг махсус кассалари ўрнатилди.

Нотариат соҳасида олиб борилаётган ислохотлар фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлашга, қонунда кўрсатилган талабларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

* * *

1992 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандида Адлия вазирлиги ўзига юклатилган вазифаларга биноан, нотариат ва ФХДЁ органлари фаолиятини ташкил қилиши ва раҳбарлик олиб бориши, уларнинг ишини текшириши, таҳлил қилиши ва умумлаштириши, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш чораларини кўриши, амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларининг статистикасини олиб бориши белгиланган. Бугунги кунда нотариуслар ва адвокатларнинг барчаси, ФХДЁ бўлимлари, никоҳ уйлари раҳбарлари олий юридик маълумотли шахслар бўлишига эришилди.

1995 йилнинг 10 ноябригача вилоятдаги ФХДЁ бўлимларида 7 та турдаги (туғилганлик, никоҳ, никоҳдан ажраганлик, ўлим, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақида) далолатнома ёзувлари тўлдирилиб, шунга мувофиқ равишда гербли гувоҳномалар берилган. Кейинчалик эса бу турдаги гувоҳномалар бериш сони 4 тага туширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 апрелдаги «Гербли гувоҳномалар шаклларини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида»ги 119-сонли қарори билан туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажраганлик ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномаларнинг янги шакллари тасдиқланди ва 2013 йилнинг 1 январидан жорий этилиши белгиланди.



МУСТАҲКАМ ОИЛА ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди.

Республикаимиз ҳукумати оила масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга.

Оила – жамиятнинг асоси. Ҳар бир киши давлат ва жамият ривожига хизмат қилиши, одамларга нафи тегадиган эзгу ишларни амалга ошириши учун, аввало, унинг оиласи тинч ва фаровон бўлиши керак. Зеро, оилалар мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гаровидир.

Шу боис мамлака-



тимизда, энг аввало, ёш оилаларни хар жихатдан кўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эндигина мустақил ҳаётга кадам қўйган ёшларнинг турмуши, ҳаёти эртага қандай бўлиши атрофдагилар ва жамиятнинг муносабатига боғлиқ. Ёш оилаларга эътибор мустақилликдан сўнг ғоят кучайди. Янги никоҳдан ўтган йигит-қизларга амалий кўмак кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун ва Оила кодекси қабул қилинди.

Оила институтининг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оиланинг жамиятдаги ижтимоий аҳамиятини ошириш, унинг тўқис ва фаровон бўлиши борасида кенг қамровли ишлар қилинди. Айниқса, ёш оилаларни кўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилди.

Шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ижроси, «Оналар ва болалар», «Баркамол авлод», «Ёшлар», «Ижтимоий ҳимоя» йилларида амалга оширилган ишларни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Президентимизнинг 2007 йилдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир қўшимча



чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлат хокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар юкланди.

Хусусан, ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун бошқа зарур шароитлар яратиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-хўжалигини йўлга қўйишда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш, таълим, тиббиёт, ҳуқуқий ахборот ва



маслаҳат, шунингдек, соғлиқни сақлаш борасидаги хизматлар сифатини ошириш, ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда оила олдидаги масъулият ҳиссини, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ватан оиладан бошланади. Оила қўрғони мустаҳкам бўлса, ҳаётимиз фаровон, жамиятда осойишталик ҳукмрон бўлади. Буни яхши англаган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ёшларнинг оила қуришларидан олдин турмушга тайёр эканликларини билиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари талаблари ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

ФХДЁ органларида ўтказилаётган «Оила дорилфунуни», «Ёш оила қурувчилар мактаби» ўқув



машғулотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бўлғуси оналар қонуний никоҳ ва оиланинг нақадар муқаддаслигини теран англаб етишсагина, барпо этилаётган оила мустаҳкам бўлади.

Президентимиз томонидан 2012 йилга – «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов «Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ» дея эътироф этишларида ҳам катта маъно мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 февралдаги «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1717-сонли Қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 мартда тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тармоқ дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган вилоят адлия бошқармасининг тармоқ дастури бўйича олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ФХДЁ органлари томонидан 11 хил кўринишдаги (ўзбек ва рус тилларида) «2012 йил – Мустаҳкам оила йили», «Оиланинг ҳуқуқий асослари», «Фарзандим соғлом бўлсин десангиз...», «Оила тушунчаси, мақсад ва вазифа-

си», «Ёш келин-куёвларга», «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор», «Репродуктив саломатлик ва репродуктив маданият», «Оиланинг ҳуқуқий асослари», «Оила мустаҳкамлигида маҳалланинг ўрни», «Мустаҳкам оила жамият таянчи» ҳамда «Шарқона одоб-ахлоқ – «оммавий маданият» тўсиғи» номли буклетлар тайёрланиб, фуқароларга етказилди. Вилоятнинг барча туман, шаҳарларида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бўйича семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Бошқарма тизимидаги ФХДЁ органлари томонидан 354 маротаба «Оила дорилфунуни» ва 392 маротаба «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотлари ўтказилиб, уларда 23667 нафар никоҳланувчи ёшлар ҳамда 30947 нафар коллеж талабалари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида давлат идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда туман, шаҳарларда семинарлар ташкил этилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича бошқарма томонидан 853 маротаба маърузалар ташкилланди, 928 маротаба учрашув ва семинар машғулотлари ўтказилди, 110 маротаба матбуот, 14 маротаба радио ҳамда 55 маротаба телевидение орқали тарғибот ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 1517 та шаръий никоҳ билан яшаётган эр-хотинларнинг никоҳи қонунийлаштирилди.



МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан 2006 йилда Республика миқёсида биринчилардан бўлиб адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги ходимларнинг билим савияларини ошириш, жамоа ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ходимларнинг ташаббускорлигини янада юксалтириш мақсадида «Энг яхши адлия ходими», «Энг яхши нотариус», «Энг яхши ФХДЁ ходими» кўриктанловлари ўтказилди.

Шунингдек, 2007 йилда бошқарма бошлиғининг уму-



мий таҳрири остида соҳани ривожлантириш, фаолиятни амалдаги норматив ҳужжатларга асосан тўғри ташкиллаштириш юзасидан Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига, Тадбиркорлик, хорижий инвестиция, инсон ҳуқуқлари ва шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатлари юзасидан қўлланма ишлаб чиқилди.



2008 йил ноябрь-декабрь ойларида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган «Конституция – буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати» кўрик-танлови Республика босқичида Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилган адлия бошқармаси ходимлари ҳамда вилоятда фаолият юритувчи нотариал идоралар нотариусларидан иборат жамоа фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. Вилоят телерадиокомпанияси ходими Салимахон Рустамова эса «Адлия органлари ОАВ нигоҳида» кўрик-танловида «Энг яхши ролик» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Бундан ташқари, адлия бошқармаси вилоятда фаолият юритаётган 4 та телевидение билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада ҳафтанинг чоршанба куни бошқарма ва унинг тизимига кирувчи ФХДЁ ҳамда нотариал идоралари ходимлари иштирокидаги «Ҳуқуқингизни биласизми?» кўрсатуви эфирга узатилмоқда.

Эътиборлиси, ҳар бир чиқиш мобайнида бошқармада

ўрнатилган «Ишонч телефони» хакида ролик ҳам бериб борилаётганлиги фуқароларнинг ўзларини кизиктираётган саволларга батафсил жавоб олишларига имкон яратяпти.

Хуқуқий тарғибот хоҳ матбуот, хоҳ теле ва радиодастурлар орқали ёки оғзаки тарзда бўлсин, фуқароларни бефарқ қолдираётгани йўқ. Аксинча, улар баҳс-мунозара, савол-жавоб ёхуд бирор-бир таклиф кўринишида акс-садо қайтаришмоқда.

Қолаверса, ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида вилоятдаги 156 та касб-хунар коллежлари ҳамда 11 та умумтаълим мактабларида доимий равишда «Хуқуқий саводхонлик» дарслари ташкил этилиб, унда адлия бошқармасининг 10 нафардан ортиқ илғор ходимлари дарс ўтиши таъминланди. Ушбу дарсларда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқук соҳаларидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан талаба ва ўқувчиларга батафсил тушунтиришлар берилди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини янада такомиллаштириш,





муаммоларни бартароф этиш йўлида изланишдан тўхтаганлари йўқ. Ҳуқуқий тарғибот ишларини турли кўргазмалари воситалар ёрдамида олиб бориш амалиёти кенг жорий қилинмоқда.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оши-

риш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади».

«Ҳаёт ва ҳуқуқ» газетаси Фарғона вилоятининг энг кенжа матбуот нашрларидан. 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб вилоят адлия бошқармаси муассислигида чоп этилаётган бу газета ҳуқуқий мавзуларни кенг ёритишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олган. Газета республика адлия тизимидаги вилоят бошқармалари орасида биринчи бўлиб таъсис этилган нашр саналади.

Газетанинг илк сонисида Ўзбекистон Республикаси Адлия



вазирининг «Адлия тизими: ислохотлар моҳияти демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат» номли таҳлилий мақоласи чоп этилган эди. Унда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти, Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз тақдиридаги ўрни, одам савдосига қарши курашиш, оила муқаддаслиги масалаларига бағишланган мақолалар қаторида янгидан

таҳрир қилиниб, кучга киритилган «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида»ги Низомнинг мазмун-моҳияти, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир масалалар долзарб мавзу сифатида таҳлил этиб берилган.

«Хаёт ва ҳуқуқ» газетаси нафақат адлия ходимлари, айни дамда бошқа ҳуқуқий идораларнинг фаолияти ҳақида ҳам кўплаб мақолалар бермоқда. Жиноят ишлари бўйича вилоят судидан тайёрланган суд очерклари, вилоят давлат солиқ бошқармаси ва бошқа ҳуқуқий идоралар фаолияти юзасидан тайёрланган мақолалар ўқимишли бўлиши билан бирга ҳуқуқий маслаҳат ўрнини ҳам боса олади. Газета саҳифаларида «Қарор ва ижро», «Мактубларни очганда», «Хуқуқингизни биласизми?», «Хуқуқий маслаҳатхона» каби руқнлар ташкил этилиб, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қатор тарғибот материаллари бериб келинмоқда.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

Адлия органлари ва муассасаларида узок йиллар давомида меҳнат қилган ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни тарбиялашда уларнинг бой амалий тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, 2008 йилда Адлия вазирлиги Фахрийлари Кенгаши ташкил этилган. Кенгаш 2011 йил 18 ноябрда қайта рўйхатдан ўтказилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда.

Адлия органларида узок йиллар давомида меҳнат қилган фахрийларни доимий ижтимоий химоялаш, уларнинг ҳаётидан доимий хабардор бўлиш мақсадида 2011 йилнинг 22 декабрь куни Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фахрийлари Кенгаши Фарғона вилоят бўлимини ташкил этиш бўйича таъсис-



чилар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгашни шакллантириш ҳамда унинг раисини тайинлаш каби масалалар кўрилди. Йиғилишда юридик фанлар номзоди Эгамберди Қўзиев Адлия вазирлиги Фахрийлари Кенгаши Фарғона вилоят бўлими раиси этиб тайинланди. 2012 йил март ойида эса адлия бошқармаси бошлиғи А.Мадалимовнинг ташаббусига кўра, «Наврўз» умумхалқ байрами муносабати билан фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга бошқарманинг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг бугунги салоҳияти ҳамда муваффақиятларига ўзининг фидойилиги, касбга бўлган садоқати билан намунали хисса қўшган фахрийларимиз Коршунова Лариса Андреевна, Сативолдиева Хадича, Нишонова Мунира Нуриллаевна, Умаров Муҳаммаджон, Рыбкина Софья Васильевна, Чопкиева Малика, Комилжоннова Муборакхон, Шокирова Мақсудахонлар номи ҳам ҳамкасблари томонидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.



Фахрийлар ҳамиша эътибор ва эъзозда







ИБРАТ МАКТАБИНИ ЯРАТГАНЛАР



Хамза Ахунджанов 1986 йилдан 1995 йилга қадар Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

У адлия бошқармасида ишлаган даврида соҳа ривожига улкан ҳисса қўшиб, қонунчилик мустаҳкамланишига, кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратган. Хизматлари юксак кадрланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига сазовор бўлган.



Карим Толибов 1972 йил Фарғона вилоят судининг судьяси лавозимида иш бошлаган.

У ўз вазифасига фидойилик билан ёндошиб, адлия ва суд соҳаси нуфузини юксалтириш учун бор билим, маҳоратини ишга солди, кўплаб муносиб шогирдлар етиштирди.

К. Толибов 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан асосан «Шухрат» медали билан тақдирланган.



Махмуджон Тожиєв 1994-1995 йилларда Марғилон шаҳар суди суд ижрочиси, 1995-1997 йилларда Марғилон шаҳар суди катта суд ижрочиси, 1997-2000 йилларда Фарғона вилояти адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 2004-2009 йилларда Жиноят ишлари бўйича

Марғилон шаҳар суди судьяси лавозимида ишлаган. 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға асосан «Шухрат» медали билан тақдирланган.



Бусолия Назарова 1981-1982 йилларда Қўқон шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси стажёр адвокати, 1982-1992 йилларда Учкўприк тумани ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати, 1992-2006 йилларда Бувайда туман ФХДЁ бўлими мудираси 2006-2007 йилларда Учкўприк туман ФХДЁ бўлими мудираси сифатида фаолият юритган. 2007 йилдан буён Бувайда туман ФХДЁ

бўлими мудираси лавозимида ишлаб келмоқда. 2006 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиғи» эсдалик нишони, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға асосан «Шухрат» медали билан тақдирланган.



ЮКСАК ЭЪТИБОР СОЊИБЛАРИ

Ўзининг узок йиллик самарали меҳнати билан бошқармада хурмат қозониб келаётган Шукуржон Холматов, Замира Жалолова, Зумрадхон Каримова, Хурсаной Қодирова, Муяссар Рустамова, Гулчехра Жўраева, Маърифат Қўчқорова, Зикрилло Эргашов, Гулчехра Ибрагимова, Альфия Касимова, Одина Усмонова, Манзура Нортожиевалар юксак эҳтиромга лойиқдирлар.


Ўтган йили мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини катта тантаналар билан нишонладик. Бу йил эса Бош қомусимиз – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 20 йиллик тантаналарига гувоҳ бўляпмиз. Айни шодиёна дамларда ҳам, бундан кейин ҳам фарғоналик адлия ходимларининг асосий мақсадлари мухтарам Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан зиммаларига юкланган улкан вазифани тўлақонли уддалаш, ниятлари эса юрт равнакига, бугунги дориломон кунлар бардавомлигига баҳоли қудрат хисса қўшишдир. Бу эзгу мақсадлар эса, албатта, ўз рўёбини топажак.



Равшан Қирғизов



Абдуҳаким Зулфиқоров




Шоҳиста Қаримова



Эгамберди Қўзиев



Азимжон Саматов



Тоҷихон Дадаханова



Анваржон Ҳамидов



Тоҳир Маматожиев



Феруза Исмоилова



Дилфуза Хожимуратова



Назокат Ҳамроқулова



Раъно Ҳаджаева



Нигора Ёрматовова



Нилуфар Толипова



Мавлуда Эминова



Дилфуза Кўзиева



Дилноз Атажанова



ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАЙСИЗ...

Инсон – азиз, хотира – муқаддас. Буни яхши англаган бошқарма жамоаси тизимда меҳнат қилган марҳум ходимлар – Трушина Елена Ивановна, Яхьяева Нелъя Салиджановна, Тиллаев Жамолхон ҳамда Исламова Зухра Балтаевналар номини хурмат билан ёдга оладилар. Уларнинг умр йўли, иш тажрибалари ҳамкасблари ва ёру дўстлари учун доимо ибрат мактаби бўлиб келмоқда.



Инсон бу ҳаётда яшар экан, ўзидан яхши ном қолдириш учун доимий саъй-ҳаракатда бўлади. Унинг қилган меҳнатлари самараси шогирдлари, таниган-билган кишилари қалбида сақланиб, ширин хотиралар билан тилга олинади. Бу ҳам бўлса марҳумнинг савоб ишларидан, тириклигида атрофдагиларга кўрсатган меҳр-оқибатидан далолатдир.

Зухра опанинг самимийлиги, одамохунлиги, ёшларга ғамхўрлиги бизни ҳаётда мақсад сари интилишимизга сабаб бўлди. Чунки устоз билан суҳбатлашиб, катта маънавий озуқа олардик, қалбимизда кўтаринкилик ҳис этардик. Зухра Исламова узок йиллар Қўқон шаҳридаги 3-сон давлат нотариал идорасида ката нотариус вазифасида ишлаб, фуқароларнинг ҳар қандай нотариал ҳаракатларини

сидкидилдан бажариб, эл-юртнинг хурматини қозонди. Шунингдек, жамоада ҳам обрў-эътибор топганди.

Зухра Исламова Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагандан сўнг меҳнат фаолиятини Қўқондаги собиқ «Охунбобоев» фабрикасида экспедиторликдан бошлаган. Кейинчалик Бувайда тумани давлат нотариал идораси нотариуси, Қўқондаги 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси бўлиб ишлади.

У қайси жойда ишламасин, ўша ердаги инсонлар билан тез тил топиша олди. Машаққатли, ҳалол меҳнатлари эвазига элга танилди.

Ҳа, бундай инсонлар порлоқ хотирасини ёдга олар эканмиз, Яратгандан уларнинг охиратлари обод бўлишини сўраймиз. Сизлар шогирдларингиз қалбида мангу яшашга лойиқсиз, азиз устозлар!



ЯХШИЛИК ЎЛМАЙДИ

Дунёда адолат барқарор экан, шу адолат қайғусида яшаб ўтганлар номи унутилмайди, мангу яшайверади. Шундай фидойи инсонлардан бири, узок йиллар прокуратура ва адлия органларида самарали фаолият кўрсатган Юнус Абдуллаев ўзининг қисқа умри давомида ибратли ишларни амалга оширди.



1977 йилда Тошкент давлат университетининг юридика бўлимини таълимлаган Юнус Абдуллаев ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятини 1979 йилда Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси лавозимидан бошлади. 1979 йилдан 1991 йилгача Сурхондарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, Термиз тумани прокурорининг ёрамчиси, Ангор тумани прокуратурасининг терговчиси ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, Шеробод тумани прокурори лавозимларида меҳнат қилди. 1991 йили Фарғона вилоят прокуратураси прокурори катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи, 1991-1993 йиллари Қирғули тумани прокурори, 1993-2000 йиллари Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, 2000-2002 йиллари Ёзёвон тумани прокуратураси терговчиси, 2004-2008 йиллари вилоят Адлия бошқармасининг нотари-

ат, ФХДЁ ва адвокатура бўлимининг етакчи маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу Юнус Абдуллаевнинг меҳнат дафтарчасидаги қайдлар. Сир эмас, бу соҳалардаги фаолият ҳеч қачон осон кечмаган. Доимо қилни қирқ ёришга, ҳамиша юксак масъулият туйғуси билан яшашга тўғри келган.

Тинчлик-осойишталик, адолат йўлида толмай меҳнат қилган Юнус Абдуллаевнинг хизматларини ҳукуматимиз юксак баҳолади. У 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият эканини яхши англаган Юнус Абдуллаевдек қалби тоза, заҳматқаш, умрини халқ ишига бағишлаган инсонлар ҳеч қачон ўлмайдилар. Уларнинг ёди ҳамма вақт яқинлари, дўст-биродарлари, шогирдлари қалбида яшайди.



Фарғона вилоят адлия бошқармаси меҳнат жамоаси

Оммабон, публицистик нашр

**АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ:
ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА**

Масъул муҳаррир:

У. Жабборов

Муҳаррир: Абдулла Содиқов

Тех. муҳаррир: Назиржон Ҳошимов

Дизайнер: Абдувосит Сиддиқов

Ш.Қорабоев олган суратлардан фойдаланилди.

Нашриёт лицензияси. АІ № 162. 2009 йил 14 август.

Босишга рухсат этилди: 26.11.2012 йил. Қоғоз бичими: 70x100 ¹/₁₆.
Нашриёт босма табоғи: 4,5. Шартли табоғи: 3,25. Peterburg Uz
гарнитураси. Кегль: 14. Силлиқланган қоғозга офсет усулида
босилди. Адади: 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма № 248

«ФАРФОНА» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонаси.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шох кўчаси, 44.